**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Қарши туман Аҳоли бандлигига**
**кўмаклашиш маркази директори**
**__________ Ш.А.Авазов**

“20” апрель 2022 йил

**БУЮРТМАЧИ:**

# “ҚАРШИ ТУМАН АБКМ”

Қарши туманида ишсиз фуқароларга ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида суғориш воситаси харид қилиш ва қуриб бериш

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

**Қарши тумани** **2022 йил**

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

III.

# IV. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома.

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрель кунидаги 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.

1. Қарши туманида ишсиз фукароларга ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида енгил конструкцияли иссиқхона қўрилиши бўйича замонавий ускуналар билан жихозланган бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати

**Суғориш воситаси харид қилиш ва қуриб бериш**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **“ҚАРШИ ТУМАН АХОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ”** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 180200, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти,Қарши тумани,Бешкент шахри Амир Темур кучаси 3-уй.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **“ҚАРШИ ТУМАН АХОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ”** биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

-танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала ҳукукий лаёкат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблаги микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг

лойиха хужжатлари, хусусан, лойиҳани график кисми (чизмалари) билан танишиб чикиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши хакида мурожаат килишга ҳаклидирлар.

**ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Қарши туман Аҳоли бандлигига**
**кўмаклашиш маркази директори**
**__________ Ш.А.Авазов**
"20" апрель 2022 йил

Қарши туманида ишсиз фукароларга ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида Суғориш воситаси харид қилиш ва қуриб бериш бўйича

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Қарши туманида ишсиз фукароларга ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида суғориш воситасини ҳарид қилиш ва қуриб бериш. |
| 2 | Буюртмачи | "Қарши туман АБКМ" |
| 3 | Буюртма учун асос | Ишсиз фукарони ўзини-ўзи бандлигини таъминлаш зарурияти. |
| 4 | Объектнинг жойлашган манзили | Қарши тумани Бешкент шахри Амир Темур кучаси 3-уй |
| 5 | Қатнашувчи учун талаблар | Суғориш воситасини ҳарид қилиш ва қуриб бериш |
| 6 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган нуқсон ва бажарилган ишлар далолатномаси хамда хисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган холда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб хисобланади. Шартномага асосан тахминан 29 700 000(Йигирма тўққиз миллион етти юз минг ) сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган. |
| 7 | Иш тури | Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган Суғориш воситасини харид қилиш ва қуриб бериш. |
| 8 | Хизматларни бажариш муддати | 2022 йил 20 майгача |
| 10 | Молиялаштириш манбаи | Бюджет бўлмаган(Бандлик жамғармаси фонди) |

Қарши туман АБКМ директори: Ш.Авазов

Қарши туман АБКМ директори ўринбосари: Т.Алмарданов
Қарши туман АБКМ ДХМИ: Ш.Жумаев
Қарши туман АБКМ бош хисобчиси: Т.Дусмуратов
Қарши туман АБКМ ходими: И.Муминов
Қарши туман АБКМ ходими: Н.Худойбердиев